

166.КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Барча ўқув шакллари бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларда белгиланган лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;
- Талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига (ишларига), шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш;
- Талабалар билимининг рейтинг назоратини амалга ошириш;
- Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;
- Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;
- Дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топшириғига биноан қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилганларга хулосалар тузиш;
- Нодавлат таълим муассасаларининг буюртмалари бўйича зарурий ўқув услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;
- Иктидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда, жумладан, “Истеъдод” жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил тайёрланиш шакл ва услубларини такомиллаштириш; аудитория ишларини оптималлаштириш ҳисобига мустақил тайёрланиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўриш;
- Тасдиқланган режага мувофиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, тугатилган илмий ишларни нашр этишга тавсия бериш;
- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш; талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- Тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, янги педагогик технологияни жорий этиш;
- Педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ўқитувчиларга педагогик маҳоратини эгаллашда ёрдам бериш; ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида замонавий ўқув техника воситаларидан ва яқка тартибда ўқитиш, мустақил таълим олиш воситаларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низомга асосан ўз малакасини ошириб бориш;
- Филиал жамоат ишларида қатнашиш ва жамоат топшириқларини бажаришни ўз зиммасига олиш;
- Ўзига бириктирилган гуруҳда кураторлик фаолиятини олиб бориш.
- Ахборот коммуникация технологиялари пухта билиш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Клиник кафедраларда:

- Клиник базаларда жойлашган кафедраларда хар ҳафтада бир марта барча беморларни кўриқдан ўтказиш.
- Оғир беморларни мунтазам кўриб бориш, даволаш жараёнини ташкил этиш.
- Санавиация бўйича ҳамда оталик ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини моҳиятини билиш;

Малака талаблари:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва

кўникмаларга эга;

- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2510	Катта ўқитувчи	2310	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра